
“Саховат” маҳалла фуқаролар йиғинидаги Ғайрат кўчаси шағалланди

Бағдод туманида қишлоқ ва маҳаллалар инфратузилмаси билан боғлиқ энг долзарб масалаларни тизимли ҳал этиш, ички йўллар, ичимлик сув, электр энергияси ва газ таъминотини, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт ва бошқа инфратузилма объектларини яхшилаш, шу асосда аҳоли учун муносиб турмуш шароитларини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

“Саховат” маҳалла фуқаролар йиғинида ҳам ички йўллар билан боғлиқ мавжуд муаммоларни бартараф этиш ва бу орқали аҳолига қулайлик яратиш мақсадида амалий ишлар олиб борилмоқда.

Маҳаллабай ўрганишлар давомида ички йўлларни таъмирлаш бўйича аҳоли томонидан билдирилган мурожаат ижобий ҳал этилиб, Ғайрат кўчасига шағал ётқизилди.

- Туман ҳокимлиги ҳамда 2-сектор раҳбарияти кўмаги билан ўтган йили МФЙ таркибидаги Навбахор қишлоғида ҳам 1 минг 300 метр масофадаги ички йўлларга шағал ётқизилиб, кўчалар тартибга келтирилган эди, - дейди маҳалла раиси Шухратжон Эсанов. - Ҳудудимизда 7.5 км. узунликда ички хўжалик йўллари мавжуд бўлиб, уларнинг 2.5 км. қисми асфальт қопламага эга. Тош-шағал ва тупроқ тўшамали йўлларимизни кўркам ва файзли қиёфага келтириш келгуси йил учун асосий мақсадларимиздан бири.

Маҳалла инфратузилмасини яхшилаш ва аҳоли муаммоларини ҳал этиш борасидаги ишлар давом этмоқда.

Бағдод тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати.

2023-10-05 17:07:34